

Вақф қилинган китоблар Қашқадарё вилоятидаги масжидларга етказилди



14:22 / 09.10.2018 2846

7-8-октябр кунлари «Масжид ва мадрасалар учун китоб акцияси» доирасида Қашқадарё вилоятининг Қарши, Нишон, Касби ва Миришкор туманларидаги 43 та масжидга жами ҳисобда 52 млн сўмлик 2021 та китоб етказиб берилди. Бу ҳақда «Вақф» хайрия жамоат фонди матбуот хизмати [хабар берди.](#)

Масжидларнинг ҳар бирига «Қуръони карим», шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг қаламларига мансуб, «Одоблар хазинаси» тўплами, «Руҳий тарбия» тўплами, «Ҳадис ва ҳаёт» китобидан 9 та жуз, «Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга содиқ Муҳаммад Содиқ», «Зикр аҳлидан сўранг» китобидан 7 та жуз, «Олтин силсила» 4, 6-жузи, «Ислом тарихи», «Мўминнинг қалқони», «Очиқ хат», китоблари, шу билан

биргаликда масжид аҳли учун керакли деб ҳисобланган «Жавомеъул калим», «Фақиф имомлар ихтилофида ҳадиси шарифнинг ўрни», «Ўкинма», «Ислом ва олам», «Енгил амаллар», «Ҳанафий фикҳидан савол-жавоблар», «Ғийбат ўзи нима?», «Исломда оила», «Сиз қандай яшамоқчисиз?», «Дока рўмол қачон қурийди», «Мен ҳам намоз ўқийман», «Муаллими соний», «Бир виждон уйғонур», каби китоблар вақф мулки қилиб берилди.

«Тўпланган маблағлар эвазига вилоятлардаги масжидларга китоблар олинади ва Аллоҳ йўлида вақф қилинади. Ҳозирги кунгача 306 та масжид уламолар томонидан ёзилган энг сара асарлар билан таъминланди», — дейилади хабарда.

***Islam.uz* портали таҳририяти**